

ЧЎЛПОННИНГ “КЕЧА ВА КУНДУЗ” РОМАНИДА ХАЛҚ МАЙДОН КУЛГИСИ ИФОДАСИ

Дармоной ЎРАЕВА

*филология фанлари доктори, профессор
Бухоро давлат университети*

Ўзбек романчилигининг дастлабки намуналарида халқ кулги санъатининг белгилари ёрқин кузатилади. Бинобарин, миллий адабиётимизда роман жанрининг асосчиси саналган Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” асаридаги “Қизиклар” номли 36-фасл бунинг ишончли далилидир. Адибнинг бу тажрибаси кейинги романлар яратилишида анъана сифатида сақлангани кўзга ташланади (4). Жумладан, Абдулла Қодирий билан замондош ва қисматдош бўлган Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ҳам “Кеча ва кундуз” романида ўз даври воқелиklarини, ижтимоий ва сиёсий ҳаёт манзараларини, жамиятдаги нозик ва қалтис вазиятларни ёритиб беришда халқ кулгисидан, унга хос ифода ва тасвир услубидан фойдаланишга уринган. Бу, аввало, ижодкорнинг ўзи яратаётган образ ва персонажлар нутқини оддий сўзлашувга хос диалог кўринишида беришида намоён бўлади. Романнинг XII фаслида Жакоб (Марьям томонидан Мирёкубга берилган ном) билан Марьям (Мирёкуб томонидан хотинга берилган ном) ўй-кечинмаси сифатида ички нутқ ҳолатида, аммо диалогик кўринишда галма-гал келтирилган парчалар бунинг далили бўла олади (3, 177–198). Шундай йўл билан адиб ўзи тасвирлаётган воқеликни, ёритилаётган турмуш муаммосини томоша услубида ўқувчига қулай етказишни кўзлаган.

Мирёкуб ва Марьямнинг диалогик нутқ шаклидаги ўй-фикрлари, ички қалб кечинмалари, дил изҳорлари романда воқеалар ривожини таъминлаган асосий воситалардан бири бўлиб кўринади. Айниқса, бу диалогларнинг персонажлар яшаш ҳудудига мослаб, улар сўзлашадиган тилда берилишига эътибор қаратилганлиги асар таъсирчанлигини ва ҳаққонийлигини янада оширишга замин яратган. Бу жиҳатдан ёзувчининг рус аёли Мария Острова образини шакллантиришда унинг нутқига русча сўзларни сингдиргани асар реаллигини ҳамда персонажнинг ишонарли чиқишини таъминлашга хизмат кўрсатганини инкор қилиб бўлмайди. Масалан: “Қартадан фол очсам, бир-бир кетин “бахтсизлик” (несчастье) чиқади. – дейди Мария Мирёкуб билан поездда кетаётганида ўз-ўзига гапирар экан (3, 188).

Адиб романдаги образ ва персонажларнинг хатти-ҳаракати ва нутқ оҳангини ифодалашда ҳам сахнага хос ҳаракатлару овоз оҳанглиридан фойдаланишга интилгани англашилади. Масалан, романда “Мирёкуб бир нафасга кўзини юмди”, “Шу топда кўзлар ихтиёрсиз пастга қарайди...”, “Икки кўли билан Умринисаббининг икки елкасига ёпишди. Юзини унинг юзига яқин

олиб борди”, “Умринисабиби бирданига овозини пасайтирди” каби жумлаларда бу ҳолат намоён бўлади. Табиийки, асарда келтирилган бундай изоҳли ҳолатлар унинг асосида сахна кўринишларини тайёрлашда жуда қўл келади.

Чўлпон халқ майдон кулгисига хос анъанавий белгиларни шу тарзда сақлаган ҳолда тасвирга ёндашгани кузатилади. У халқнинг юмористик ва сатирик кулгусидан, драматик ҳолатлардан, ҳар хил қиёфалардан фойдаланганки, булар оғзаки драманинг энг муҳим белгилари сифатида эътиборни тортади (2).

М.Бахтин таъкидлаганидек: “Халқ майдон кулги маданияти шунчаки қувноқлик ва ҳазил-мутойибадан иборат эмас. Бунинг остида борлиқда рўй бериб турган барча воқеа-ҳодисалар, ижтимоий, иқтисодий, маънавий муаммолар, қолаверса, инсон феноменига халқона нуқтаи назар билан ёндашиш, уларни шу асосда баҳолаш ва талқинлаш ётади... Кулги – дунёга қўрқмай муносабатда бўлишнинг асосини тайёрлашда муҳим омил вазифасини бажаради”, – деб кўрсатади (1, 239).

Чўлпон ўз романида кулги масаласига алоҳида эътибор қаратгани қуйидаги парча орқали ҳам аёнлашади. Жумладан, адиб туғилганидан ва ундан кейин ҳам кулмай ўтган Раззоқ сўфи мисолида кулги ҳақидаги фикрларини қуйидагича баён этади: “Кулиш билан йиғлаш орасида катта фарқ бор. кулимш билан кулмасдан теккина жиддият сақлаб туриш орасида ҳам анчагина масофа бор. шу учун Раззоқ сўфининг кулишларини кулиш деб бўлмайди. Кулмасдан чидаб бўлмайдиган мақомларда у ҳам кулади, лекин у кулиш – касал одамнинг кулишидай оғир, бир хил совуқ ҳазиллардай малол келтирувчи, ёлғон хушомадлардай кўнгилга урувчи бўларди” (3, 11).

Романдаги кулги кўпроқ тўнг ва калтабин, бесўнақай ва бепаросат Акбаралига қаратилган. Чўлпон халқ кулгиси йўлидан бориб, унинг амалдор сифатидаги характерини фош этишни кўзлайди. Яна адиб шу йўл билан асардаги кулги кўламини ҳам кенгайтиришга эришган. Зеро, халқ майдон кулги санъатида сатира ва юмор, аниқроғи, ҳажв ва танқид, пичинг ва киноя, кесатик ва писанда, қаҳқаҳа ва ханда асосий мезонлардан саналиб, кўпинча бир-бирига қоришиб кетади.

Халқ майдон кулгисидан персонажларнинг ноўхшов, телба-тескари хатти-ҳаракатлари ва гап-сўзлари кулги уйғотишда муҳим қирралардан бири эканлиги инобатга олинса, асар қаҳрамонларидан бири Акбарали ҳамда Нойиб тўрада худди шу жиҳатлар кўпроқ бўрттирилгани сезилади.

“Кеча ва кундуз” романида адиб ўз замонасига хос турли ижтимоий, сиёсий, маиший муаммоларни тасвир этишни мақсад қилган. Бу ниятига у реал тарихий шароитдаги кишилар образини ўзаро яқинлаштириш, халқ кулгисидан фойдаланиш воситасида эриша олди.

Асар сюжети мутлақ маънода моддий дунё, мавжуд ижтимоий турмуш тасвирига қаратилган. Унда халқ кулгиси асосида амалдорлар ички дунёсига кириб борилади. Уларнинг худбинлиги, фақат ўз манфаатинигина ўйлашлари фош этилади.

Романда персонажларнинг уюшиб келиши ҳам халқ драмасига хос хусусиятлардан бирини ёдга солади. Қолаверса, ўзбек халқ оғзаки драмаларининг персонажлар гуруҳи, одатда, кўзбўямачи ва порахўр амалдорлардан, очкўз ва золим кимсалардан, адолатсиз, зўравон ва қонхўр ҳукмдорлардан, маиший бузук зотлардан иборат бўлгани маълум. Уларнинг ҳар бири ўз индивидуал қиёфаси, тана ва овоз ҳаракатлари, кўпчилиги ҳатто ўз лақабига эгаллиги билан фарқланиб турган. Хусусан, лақабли ижрочилар ўз лақабига мос хатти-ҳаракатлар билан чиқиш қилишига кўра бошқаларидан ажралиб турган. Аслида халқ майдон кулгисида ижрочиларнинг лақаб билан берилиши ҳам кулги уйғотувчи қирралардан биридир. Шу маънода роман бош қаҳрамони Зебининг онаси Қурвонбибига турмуш ўртоғи Раззоқ сўфи томонидан берилган “Фитна” лақаби, Мирёқубга нисбатан маҳалладошлари қўллайдиган “Эпақа” лақаби алоҳида эътиборни тортади.

Қурвонбиби индамас эрини ҳар қандай фитна, фириб ва макр йўли билан гапиртира олар, баъзида ҳатто тилларини бурро қилдириб сайратардики, шунинг орқасидан у шу лақабни ортттирган эди. Мирёқуб эса “эпақа” лақабини ҳар бир ишда кўли бўлгани, ишбилармонлиги ва уддабуронлиги туфайли кексалар томонидан олганди. Асарда Қурвонбиби ҳамда Мирёқуб лақабларига мос хусусиятлари, аввало, уларнинг нутқи орқали реаллаштирилган.

Романда Зебининг судланиш жараёни драматик лавҳалар орқали акс эттирилгани таъсирчанликни янада оширган. Айниқса, бунда эркаклар олдида юзини бекитиб, очик ўтиришдан қатъий бўйин товлаган Зебини юмшатиш мақсадида домла томонидан айтилган, аслида халқ ўртасида машҳур бўлган эътиқод билан боғлиқ “Кофир билан итнинг фарқи йўқ. Итдан қочмайсизми? Шундай бўлса, кофирдан ҳам қочмасангиз бўлади. бу жоиз?” деган гап реал ҳақиқатни ҳукмдорлар олдида рўй-рост, тўппадан-тўғри айтиш имкони бўлмаганда, халқ мана шундай шипшитиш, киноя қилиш, кесатиш, мажозий баён этиш йўлидан боргани каби адиб ҳам шу хил йўл тутгани ўқувчини завқлантиради ва қалбида самимий кулги уйғотади. Буларни инобатга олиб, мазкур диалогдан сўнг ёзувчи қуйидаги изоҳни алоҳида баён этгани бежиз эмас: “Домла шундай жойда бу хил гапларни гапиришдан жуда кўрқади. шунинг учун бошқа-бошқа сўзлар билан Зебига таъсир қилишга уринди. У уринишлардан тезроқ бир натижа чиқмагандан кейин мажлис аҳлини маҳтал қилиб қўймаслик учун бу масалани очишга мажбур бўлди. Мажбур!.. Шу учун сўнги сўзларни жуда паст овоз билан айтган эди” (3, 265–266).

Шунингдек, турли сўкинишлар, бир-биридан силтаниб қочишлар, қарғишлар ёки ўринсиз алқашлар ҳам халқ майдон кулгисидида муҳим ўринга эга. Бу жиҳатдан ҳам романда эътиборли лавҳалар учрайди. Айниқса, бунда Раззоқ сўфи ҳамда Акбарали мингбоши нутқиға сингдирилган вульгар сўзларни таъкидлаб ўтиш ўринли.

Умуман айтганда, ҳазил ва баъзан кинояли сўзлар, турли қочиримлар, кутилмаган ноўхшов хатти-ҳаракатлар, вульгар ва қўпол сўзларни ишлатиш халқ кулги санъатида ҳамиша драматизмни кучайтиришға хизмат кўрсатади.

Халқ оғзаки драмаси намуналарида кўпинча маиший турмуш муаммолари томоша кўрсатувчиларнинг контраст характердаги хатти-ҳаракатлари, кинояли диалоглари воситасида очиб берилади. Танқид асосида фош этиш, устидан кулиш санъати айни пайтда томоша кўрсатилаётган майдонни тўлдириб турган томошабинлар гуруҳиға маънавий завқ, кайфият бағишлаб, гулдурос майдон кулгисини вужудға келтиргани каби “Кеча ва кундуз” романида Акбарали мингбоши фоҳишахонада: “Биттасиға кўзим тўймаса-чи?” деганиға жавобан Мирёқубнинг: “У ёғини ўзингиз биласиз. Итлик ҳам тоза жойида экан, хўжайин!” дейиши, албатта, ўқувчи кулгисини кўзғатади. Шу тариқа “Кеча ва кундуз” романида енгил кулгидан кўра мазах воситасида муайян бир кичик ижтимоий-маиший воқеликларни ҳажвий кўринишда халққа етказилиши алоҳида эътиборни тортади.

Шунингдек, адиб яна халқ кулги санъати анъаналарига таяниб, асарда қаҳрамонлар нутқиға турли халқона қочиримлардан, иборалардан (масалан, “Сатангларникиға бориб дутор-муторга илашармикан?”, “Зуннун Нойиб тўранинг хотини билан жуда қалин”, “Минг қатла шукур, одам бўлибсиз” каби) усталик билан сингдира олган. Персонажлар нутқида “итлик”, “бунча совуқсиз”, “шу чокқача тахталик полда юришни билмайсан, хўкиз” ва ҳоказо сингари кўчма маъноли сўзлардан ҳам фойдаланган.

Хулоса қилиб айтганда, Чўлпон “Кеча ва кундуз” романида халқ кулгисидан фойдаланиш орқали, биринчидан, ижтимоий ҳаётда рўй бериб турган воқеа-ҳодисаларға, жамиятдаги ҳукмрон кучлар хатти-ҳаракати туфайли келиб чиқаётган иқтисодий-маънавий муаммоларға халқ нуқтаи назарини тасвирлашға эришган бўлса, иккинчидан, адиб ўзи яшаган давр юқори табақа вакилларининг, амалдорларнинг кирдикорларини рўйи рост, халқона ошкоралик билан баҳолаган ва талқин этган; учинчидан, романнинг образлар тизими янада бойитилган; тўртинчидан, асар тили халқ жонли сўзлашув тилиға яқинлаштирилган ва унинг серқатламлиги таъминланган; бешинчидан, роман услубининг мукамаллигиға эришилган ва ҳоказо.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бахтин М. Эпос ва роман (Романни талқин этшп методологияси ҳақида) // Филология масалалари. – 2005. – №3. – Б.239.
2. Safarov O. O`zbek xalq og`zaki ijodi. Darslik. – T.: Musiqachi, 2010. – 308 b.
3. Чўлпон. Кеча ва кундуз. Биринчи китоб. Кеча. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт-матбаа концернининг бош таҳририяти, 2000. – 288 б.
4. Қодирий А. Мехробдан чаён / Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. Рўмонлар. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги Нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1992. – Б.421-426.